2006 ЙИЛ, 5 ИЮНЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 106 (10.663)

Баҳоси эркин нархда

Фуқаролик за.м.-ҳуқуқий ин-ти Кутубхонаси

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котиби Григорий Рапотани қабул қилди. Ўзаро суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ўртасидаги кенг қамровли алоқаларнинг бугунги аҳволи ва келажакда биргаликда ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар, Ҳамжамиятнинг навбатдаги саммити кун тартиби хусусида фикр алмашилди.

● Покистон Ислом Республикаси Президенти Парвез Мушаррафга Ўзбекистон Республикасининг ушбу мамлакатдаги элчиси Ойбек Усмонов ишонч ёрлиқларини топширди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантиришда электрон оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган вилоятидаги ижросини ўрганиш юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил фаолияти якунлари бўйича кенгайтирилган йиғилиши ўтказилди.

● Миллий матбуот марказида ташкил этилган матбуот анжуманида Осиё Кураш конфедерацияси президенти Муҳаммад Деракшан (Эрон) журналистларга жорий йилда Қатар пойтахти Дохада ўтадиган 15-Осиё ўйинларида кураш бўйича ҳам мусобақалар ташкил этилиши тўғрисида маълум қилди.

● Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида хотин-қизлар қўмиталарининг фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ долзарб вазифаларга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Сурхондарё вилояти, Ангор тумани ғаллакорлари давлатга 15735 тонна ғалла топшириб, республикамизда биринчи бўлиб, давлатга бошоқли дон сотиш бўйича шартнома режасини бажардилар. Туман бўйича ўртача ҳосилдорлик 52 центнерни ташкил этди.

● Ўзбекистон Давлат консерваториясининг кичик залида XX аср камер мусиқаси концерти бўлиб ўтди.

● «Фарғона тут ипак қурти» масъулияти чекланган жамиятида пилла уруғларини сараловчи янги ускуна ўрнатилди. Республика пиллачилик илмий-текшириш институти мутахассислари томонидан ишлаб чиқарилган мазкур ускуна қулайлиги, иш ҳажмининг юқорилиги билан ажралиб туради. Янги саралаш ускунаси соатига 60 килограммдан ортиқ пиллани белгиланган меъёрларда саралаб олиш имконини беради.

● Қува тумани марказида янги замонавий касб-ҳунар коллежи қад ростламоқда. Бир вақтнинг ўзида 540 нафар ёшларни ўз бағрига оладиган мазкур илм масканида назарий билимларни амалиётда қўллаб, замонавий таълим усулларидан фойдаланиш билан боғлиқ барча шароитлар яратилмоқда. Бу ерда «Шодлик» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси 1 миллиард 438 миллион сўмлик бунёдкорлик ишларини амалга оширади.

ЖАҲОНДА

● Европа Иттифоқи келаси йилда ўз таркибига яна икки давлатни қўшиши кутилмоқда. Европа Комиссияси раиси Жозе Мануэл Баррозу Болгария ва Руминия бир қатор муаммоларни ҳал қилолсагина Европа Иттифоқига аъзо бўлиши мумкинлигини билдирди. Жорий йилнинг октябрь ойида ушбу икки номзод мамлакатнинг эришган ютуқларига қараб, уларни Иттифоққа қўшиш борасида аниқ тўхтамга келиниши мумкин.

● Италияда мамлакатда монархия тизими тугатилиб, республика деб эълон қилинганлигига 60 йил тўлишига бағишланган миллий байрам ўтказилди.

● Чехияда мамлакатнинг қуйи палатасига икки кун давомида сайловлар ўтказилди. Парламентда кўпчилик ўринни эгаллаш учун амалдаги бош вазир Иржи Парубек бошчилигидаги социал-демократлар ва Мирек Тополанек раҳбарлигидаги демократлар кураш олиб боришди. Ҳозирча сайлов якунлари эълон қилингани йўқ.

● Австралия бир неча ҳафтадан бери давом этаётган можароларга барҳам бериш мақсадида Шарқий Тиморга БМТ бошчилигида тинчликпарварлик кучларини киритиб осойишталикни таъминлаш лозимлигини таъкидлади.

● Ироқ пойтахти Бағдодда номаълум кишилар томонидан Россиянинг ушбу мамлакатдаги элчихонасининг бешта ходимига нисбатан ҳужуми уюштирилди. Натижада битта дипломат ўлдирилди, тўрттаси ўғирлаб кетилди. Ҳозирча ушбу қабиҳ жиноятнинг ташкилотчилари маълум эмас.

● Туркиянинг Ўрта Ер денгизи қирғоғида жойлашган Мерсин порт шаҳридаги йирик савдо марказларининг бирининг ёнида уяли телефон ёрдамида портловчи қурилманинг ишга туширилиши натижасида кучли портлаш рўй берган. Ушбу террорчилик ҳаракати оқибатида 13 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2006/2007 ЎҚУВ ЙИЛИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, республика иқтисодиёти ва ижтимоий соҳа тармоқлари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий компьютер, телекоммуникация ва ахборот технологиялари, хизмат кўрсатиш ва сервис, фермер хўжалиги соҳаларида мутахассисларга нисбатан ортиб бораётган эҳтиёжини қондириш, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлаш мақсадида:

1. 2006/2007 ўқув йилида: бакалаврлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 51604, шу жумладан, 19945 давлат грантлари ва 31659 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 1-иловага мувофиқ тақсимлансин;

магистрлар тайёрлаш бўйича умумий қабул сони 6500, шу жумладан, 1500 давлат грантлари ва 5000 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва мутахассисликлар бўйича 2-иловага мувофиқ тақсимлансин;

олий таълим муассасалари таркибида ташкил этилган махсус сиртқи бўлимларга ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий иш стажига эга бўлган педагог кадрлардан, жумладан, болалар спорти мураббийларидан бакалаврлар тайёрлаш учун умумий қабул сони 5665, шу жумладан, 1265 давлат грантлари ва 4400 тўлов-контракт асосида белгиланиб, улар олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари бўйича 3- иловага мувофиқ тақсимлансин.

2. Олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирлик ва идоралар Давлат тест маркази билан биргаликда бир ҳафта муддат ичида ўзларига қарашли олий таълим муассасаларида давлат грантлари ва тўлов-контракт асосидаги бакалавриат ва магистратура бўйича ўринлар квотасини таълим тиллари бўйича тақсимлаш тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясига тасдиқлаш учун киритсинлар.

3. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон миллий университети қошидаги икки йиллик махсус Журналистика бўйича олий курсларга тўлов- контракт асосида умумий 60 кишидан иборат қабул квотаси белгилансин.

Бунда Журналистика бўйича олий курсларга бошқа йўналишлар бўйича бакалавр даражасига эга бўлган ва журналистика соҳасида ўз ижодий қобилиятини намоён этган мутахассислар танлов асосида қабул қилиниши, ўқиш якунида уларга «Журналистика» мутахассислиги бўйича магистр даражаси ва белгиланган намунадаги диплом берилиши назарда тутилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг манфаатдор вазирликлар, идоралар, компаниялар, ассоциациялар, ташкилотлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари бўлган бошқа тузилмалар иштирокидаги муҳим вазифаси — олий таълим муассасаларига кирувчиларнинг қизиқиши, реал ва истиқболдаги талабга мувофиқ бакалаврлар сони ва йўналишлари бўйича қабулни амалга оширишни назарда тутувчи олий таълим муассасаларига қабулни янада такомиллаштиришга йўналтирилган пухта тизимли таҳлил ўтказиш ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги мазкур вазифани бажариш учун:

бир ҳафта муддатда олий таълим муассасалари раҳбарлари ва педагогларини, бакалавриат йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари битирувчиларининг асосий истеъмолчилари бўлган тузилмалар ҳамда жамоат ташкилотлари вакилларини жалб қилган ҳолда ишчи гуруҳини ташкил этсин;

ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган таҳлил материалларини умумлаштирсин ҳамда 2006 йилнинг 1 ноябригача Вазирлар Маҳкамасига бакалаврлар тайёрлашнинг сони ва йўналишлари бўйича қабулни такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

5. 2006/2007 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг янгиланган таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Давлат комиссиясига, тест синовлари натижаларидан келиб чиқиб, белгиланган умумий қабул квоталари доирасида олий таълим муассасалари бакалавриати ва магистратураси қабул кўрсаткичларига зарур ўзгартиришлар киритишга рухсат берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2006/2007 ўқув йилида давлат грантлари асосида бакалавриат ва магистратурага ҳамда махсус сиртқи бўлимларга белгиланган қабулни ҳисобга олган ҳолда бюджетдан зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С.Қосимов ва Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 2 июнь

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

ҲАЁТИМИЗ МАЗМУНИ, УМИД ЮЛДУЗЛАРИМИЗ БЎЛГАН ЖАЖЖИ БОЛАЖОНЛАР ЗАВҚ БИЛАН ИЖРО ЭТГАН ШЎХ, ҚУВНОҚ ВА ЯНГРОҚ ҚЎШИҚЛАРНИ, АЖОЙИБ РАҚСЛАРНИ ТОМОША ҚИЛГАН КИШИ ҲАЙРАТЛАНМАЙ ҚОЛМАЙДИ. ЧУНКИ БУГУНГИ ЁШЛАРДА САНЪАТГА ҲАВАС НИҲОЯТДА КУЧЛИ ВА БУ ЙЎЛДА УЛАРГА БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН.



Фестивалларда

ИСТИҚЛОЛ ЮЛДУЗЧАЛАРИ ДИЛДАН КУЙЛАШДИ

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси томонидан илк бор шаҳримизнинг барча туманларида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида ўтказилган «Истиқлол юлдузчалари» деб номланган фестивалда айниқса иқтидорли санъат ғунчалари сафи тобора ортиб бораётганлиги яққол намоён бўлди. Куни кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида мазкур фестивалнинг якунловчи шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳримиздаги барча туманларда ўтказилган мазкур фестиваль ғолиблари бўлган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг гала концерти намойиш этилди. Тадбирда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси вакиллари, шаҳримиздаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, мураббийлари ҳамда ота-оналар иштирок этдилар. Концерт дастурини 588-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг хор жамоаси «Ватан», 91-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари «Жўжалар» қўшиқлари билан бошлаб бердилар. Шунингдек, дастурдан ўрин олган 154-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг «Оққуш қўли», 426-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ижросидаги «Лазги» рақслари, Мудофаа вазирлигининг мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг «Ёш дўмбирачилар» деб номланган чиқишларини йиғилганлар давомли



қарсаклар билан олқишладилар.

— Бугунги тадбирда фестивалнинг туман босқичларида ярқ этиб кўзга ташланиб ғолиб бўлган 250 нафар истеъдодли тарбияланувчилар иштирок этишмоқда,— дейди Юнусобод туманидаги 304-мактабгача таълим муассасаси раҳбари Гулчеҳра Йўлдошева.— Бизнинг муассасамиз тарбияланувчиларидан 20 нафари ҳам бугунги тадбирда «Атиргул», «Хоразмча» рақслари билан иштирок этишмоқда. Масканимизда болажонлар қалбида санъат, мусиқага ҳавас уйғотишга катта эътибор қаратилган. Ўзим ўн йил болажонларга мусиқадан дарс берганман. Шу боис бу масканда ҳам алоҳида фольклор рақс тўгараги ташкил қилганман. Тарбияланувчиларимиз орасида санъатга иштиёқи баланд бўлган истеъдодли болалар жуда кўп. Уларнинг санъатга бўлган қизиқишларини ошириш, иқтидорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида мана шундай тадбирларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлмоқда.

Шу кунги тадбирда «Истиқлол юлдузчалари» фестивали ғолиблари бўлган жажжи кичкинтойлар дилдан жўшиб куйладилар, қувнаб рақсга тушдилар. Илк бора катта саҳнага қадам қўяётган санъатимиз ғунчалари бўлган бу бахтли болажонларнинг санъатлари бунданда равнақ топишига тилакдошмиз.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТЛАРДА: «Истиқлол юлдузчалари» фестивалининг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

АР-РИЁД ШАҲРИДАГИ ПОДШОҲ ФАЙСАЛ НОМИДАГИ ИСЛОМ ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ АРАБ ТИЛИДА НАШР ЭТИЛГАН «ЎЗБЕК ХАЛҚИ ҲЕЧ ҚАЧОН, ҲЕЧ КИМГА ҚАРАМ БЎЛМАЙДИ» КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ПОДШОҲЛИГИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ, ИЛМИЙ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАР, ЕТАКЧИ ТАҲЛИЛ МАРКАЗЛАРИ, МАМЛАКАТДА АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ДИПЛОМАТИЯ КОРПУСИ, ШУНИНГДЕК, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Тақдимот қатнашчиларига Ўзбекистон раҳбариятининг маънавий-диний ва миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасидаги сиёсати, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар тўғрисида батафсил ахборот берилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар И.А.Каримовнинг бу китоби ўз вақтида нашр этилгани ва у айрим Ғарб оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистонга қарши олиб бораётган ахборот урушига берилган жавоб бўлганини қайд этишди. Турли кучларнинг геосиёсий манфаатлари тўқнаш келаётган Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг барқарорлаштирувчи роли, мамлакатимизнинг минтақадаги хавсизликни мустаҳкамлашдаги муҳим ўринга эгалиги таъкидланди.

Ислом тадқиқотлари маркази етакчи илмий ходими Абдураззоқ Ҳаммуд Заҳроний терроризм чегара билмаслиги ва унинг муайян бир дин ёки сиёсий тизим билан боғлиқ эмаслигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра тинчлик ва бағрикенглик дини бўлган Ислом терроризм ва экстремизм билан ҳамоҳанг бўлиши мумкин эмас. Ушбу ўзаро боғлиқ икки кўриниш барча халқларга бирдай таҳдид солади ва уларга қарши самарали курашиш учун давлатлар ҳам икки томонлама, ҳам халқаро ташкилотлар доирасида кўптомонлама яқиндан ҳамкорлик қилмоғи лозим.

Подшоҳ Сауд номидаги университет профессори Муҳаммад Али ал-Ҳавворий терроризм ва экстремизм ўз-ўзидан ҳар қандай дин учун ёт эканини қайд этди. Террорчиларнинг диний шиорлар билан ниқобланган ноқонуний ҳаракатлари ижтимоий жиҳатдан хавфли иккиюзламачиликдан ўзга ҳеч нарса эмасдир. У ўтган йили майда Ўзбекистонда содир этилган воқеалар конституциявий тузумни ағдариш ва ҳокимиятни эгаллашга уринаётган террорчиларнинг асл башарасини кўрсатди.

(Давоми 2-бетда)

Қисқа сатрларда

● **ТОШКЕНТ** шаҳар ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент шаҳар комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги 56-оилавий поликлиника шифокорлари иштирокида «Латифгузар» маҳалласида туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбати аёлларнинг тиббий саводхонлигини ошириш масаласига бағишланди.

● **БУГУН** Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал демократик партияси, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Миробод туман бўлимлари ҳамкорлигида Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан туманда яшовчи меҳрга муҳтож болажонлар, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олинди, болажонларга совғалар туҳфа этилди.

Ўз мухбирларимиз хабарларидан.

САУДИЯ АРАБИСТОНИДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ар-Риёд шаҳри педагогика институти доктори Фуад Абдумутталиб фақатгина бағрикенг ислом мусулмон жамиятларининг ривожланиш талаблари билан уйғунлаша олишига йиғилганлар эътиборини қаратди. Ўзбекистоннинг маърифатли ва бағрикенг исломни қарор топтириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Бу унинг фикрича, нафақат республикада ички барқарорликни сақлаб қолишга, балки бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Тадбир иштирокчилари чиқишларида жаҳон илмий, диний ва маданий маконида Ўзбекистоннинг ўрни ва ролига тааллуқли бошқа муҳим жиҳат ҳам муҳокама этилди. Моваройуннаҳр олим ва мутафаккирларининг нафақат ислом, балки умумбашарий цивилизацияга бебаҳо ҳисса қўшгани алоҳида таъкидланди.

Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислом университети профессори Иброҳим ал-Музейни, хусусан, Ўзбекистон Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ал-Мотуридий, ал-Хоразмий, Ибн Сино, ал-Беруний каби дунёда машҳур алломалар ватани эканини таъкидлаб, уларнинг бой меросини муҳофаза этиш ва ўрганиш бўйича республикадаги саъй-ҳаракатларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистондаги ҳозирги вазият тўғрисида сўзлар экан, Имом Муҳаммад номидаги Ислом университети илмий тадқиқотлар департаменти директори, профессор Туркий бин ал-Сахув ал-Утейбий Ғарбдаги қатор оммавий ахборот воситалари тарқатаётган маълумотлар Ўзбекистонда рўй бераётган воқеалар моҳияти тўғрисида нотўғри тасаввур ҳосил қилишга йўналтирилганини қайд этди. Мамлакатимизга сафари давомида у ўз кўзи билан ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар ва хайрли ишлар шоҳиди бўлган. —Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталик ҳукм сурмоқда, бу эса халқ фаровонлиги ўсиши ва барқарор ривожланишнинг асосий гаровидир, —деди олим.

Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» китобининг тақдимоти Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Унинг иштирокчилари сўнгги йилларда Ўзбекистон мамлакатда амалга ошираётган демократик ва прогрессив ўзгаришларга қарши чиқувчи тажовузкор кучларнинг нишони бўлиб қолганини таъкидладилар. Улар Марказий Осиё минтақаси, шу жумладан, Ўзбекистонда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш йўлидан бораётган республика раҳбариятининг ташқи ва ички сиёсатини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар, диний экстремизмнинг ҳалокатли мафкурасини тарқатиш орқали ёшлар онгини заҳарлаётган ташқи кучлар кирдикорларини қораладилар.

Йиғилганлар диний урф-одатлар ва Маккаю мукаррама ва мадинаю мунаввара ҳаж фарзларини адо этиш рағбатини билдираётган ўзбекистонлик мусулмонларга барча шароитлар яратиш ҳамда масжид, диний марказ ва ўқув юртларини қуриш бўйича республика ҳукумати ғамхўрлигини юқори баҳоладилар.

Тақдимотда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси Шуҳрат Ёвқочев бошчилигидаги делегация аъзолари Саудия Арабистонига ташрифи доирасида ислом конференцияси ташкилоти бош котиби А.Эҳсонўғли, Саудия Арабистони Подшоҳлигининг ҳаж ишлари вазири Фуад ал-Форисий, маданият ва ахборот ишлари вазири Ийяд Амин Маданий, ислом ва вақф ишлари вазири Салиҳ Ол аш-Шайх билан учрашди. Делегациянинг, шунингдек, «Миллий мулоқот» ижтимоий ҳаракати, Имом Муҳаммад бин Сауд номидаги Ислом университети ва Ислом тараққиёт банки раҳбарияти билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Президенти китоби тақдимоти мамлакат жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди ҳамда умумараб ва Саудия Арабистони оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, «ал-Ҳаёт», «Араб ныюс», «Рияд» каби нуфузли нашрлар томонидан ёритилди.

«Жаҳон» АА.

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ИТТИФОҚИНИНГ (ХАТИ) МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН АЛОҚАЛАР БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МИНТАҚАМИЗ МАМЛАКАТЛАРИДАН, ЖАҲОН БАНКИ ВА ОСИҚ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИДАН, ЕТАКЧИ АВТОМОБИЛСОЗЛИК КОМПАНИЯЛАРДАН ВАКИЛЛАР ҚАТНАШДИ.

ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ ХАЛҚАРО АНЖУМАНИ

Анжуман иттифоқнинг «Ўзбекистон автотранспорти 2004-2005» деб номланган «Мовий китоби» тақдимоти билан бошланди. Унда ХАТИнинг МДҲдаги вакили И.Рунов, иттифоқнинг Ҳамдўстлик мамлакатлари билан алоқалар бўйича қўмитаси раиси В.Флорь Ўзбекистоннинг қулай жуғрофий жойлашуви, такомиллашиб бораётган транспорт коммуникациялари Евросиё давлатлари бўйлаб транзит юк ташиш учун катта имкониятлар очишини таъкидлади.

Анжуман доирасида «Буюк Ипак йўли - бизнес учун янги имкониятлар» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистоннинг автотранспорт, божхона, йўлсозликка оид ташкилотлари, Савдо-саноат палатаси вакилларининг маърузалари тингланди.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги автомобил йўллари ўзининг сифати жиҳатидан МДҲда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мамлакатимизда юк ва йўловчи ташиш билан боғлиқ ишларнинг аксарият қисми нодавлат сектор томонидан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон бу соҳага оид ўндан зиёд халқаро конвенция ва ҳужжатларга қўшилган, ўттизга яқин давлат билан халқаро автомобиль алоқаси тўғрисида битим имзолаган. 2010 йилга бориб юк ва йўловчи ташиш миқдори 1,5 баробар ошиши мўлжалланмоқда. Буларнинг барчаси Ўзбекистонни Европа билан Осиёни боғловчи давлат сифатидаги имкониятларини янада кенгайтиради.

Мажлисда БМТнинг автотранспорт соҳасига оид конвенция ва битимларида МДҲ мамлакатларининг иштироки, транспорт йўлакларининг фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш, соҳага сармоя жалб этишга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

ЎзА

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари маълумотлари асосида тайёрланди

● Украина радиофизика ва электроника институтида самовий «радиокўз» яратилди. Ўзининг ўткирлиги билан энди у шимол йўлларида ҳар қандай навбатчининг вазифасини бажариши мумкин. Ер сатҳининг тузилишини масофадан ўрганадиган радиолокацион тузишнинг янги, саноат учун мўлжалланган нусхаси ернинг «Космос—1766» сунъий йўлдошига ўрнатилади. «Радиокўз» қоронғуда ҳам, қалин булутлар оралаб ҳам кутб кечасини кўра олади. Радиотўлқинлар ер сатҳидан бир хил бўлиб қайтмайди. Сигналларнинг тезкор оқимидан қуруқлик ҳамда сувни, ҳар хил қалинликдаги музликларни, ёриқларни, тепаликларни, муздаги каналларни аниқ илғаши мумкин. Янги локатор биринчи синовдаёқ Антарктида музликларида йўқолиб қолган дизель — электроходни қутқаришда катта ёрдам бериб ўзини оқлади.

● Унутиш — унутишни билмасликдан. Шотландиялик олимлар худди шундай фикрни илгари сурмоқдалар. St Anderews университети олими Малколм Мак Леоднинг айтишича, одам кексайиб нозиклашгани сайин кераксиз нарсаларни унута олмай қолади. Оқибатда эса мия ортиқча фактларга тўлиб кетар экан. Эдинбург қироллик жамияти бу фикрни амалий жиҳатдан исботлаб беришлари учун олимларга 30 минг фунт стерлинг ажратди. Айни пайтда Мак Леод унинг тажрибаларида ихтиёрий қатнашиш истагини билдирган 60-74 ёшдаги одамлар ўртасида тест ўтказмоқчи. Кераксиз маълумотларни унута олмасликнинг хотира сусайишига таъсири борлигини исботлай олишига унинг ишончи комил, дейилади ROI хабарларида.

● «Стереотип» атамасини 1922 йилда америкалик олим У.Липман илмий муомалага киритган. Аммо этник стереотип тадқиқот объекти бўлгунича орадан кўп вақт ўтди. Дастлаб «антеропостереотип» (инсон қиёфаси) муомаласини фақат тажриба асосида ўрганишга кўп эътибор берилди. Шундан кейингина этник стереотипларни, яъни бир халққа мансуб кишиларни ўрганишга киришилди. Стереотиплар таркиб топишининг сабаби, гуруҳнинг қадриятларини ҳимоя қилиш ва сақлаш билан бирга жуда кўп ахборотларни «ўзлаштириш» учун кундалик фикрлашда «кучларни тежаш» тамойилидан фойдаланиш зарурлигидир. Бинобарин, этник стереотиплар кундалик ҳамда назарий онг даражасида шаклланиб, ҳиссий, мулоҳазавий, иродавий хусусиятлар мажмуидан иборат бўлади. Жамиятда стереотипларга қанчалик кўп эътибор берилса ва унга астойдил амал қилинса, фикрлашув, миллий маданиятнинг юксалиши шунчалик равнақ топади.

● Бобурийлар сулоласидан энг ёркин ёдгорлик бўлиб, сеҳрли Ҳиндистонни безаб турган Тожмаҳал унинг атрофида тўпланган халқ кўзи олдида бир неча дақиқага ғойиб бўлди. AFR агентлигининг хабар беришича, бу мўъжизанинг ижрочиси ҳиндистонлик иллюзионист Соркар бўлган. Хабарда айтилишича, у охирги марта 1962 йили ўз ҳунарини намойиш қилиб, ўтиб кетаётган поездни кўздан йўқотган эди. Соркар бундан олдин ҳам Калькуттада қиролича Виктория ёдгорлигини, Японияда эса учиш майдончасидаги самолётни йўқотиб тилга тушган. «Мен Тожмаҳални бир неча дақиқага кўринмас қилиб қўйдим, холос — бор-йўқ фокус мана шу. Аммо бу мендаги қандайдир илоҳий қудрат белгиси ҳам эмас, бу ишларни қилиш учун атроф-борлиқ билан алоқа ўрнатиш ва фикрни бошқара билиш кифоя», дейди Соркарнинг ўзи.

● Маълумки, эркак қушнинг ўзига хос ҳаракати огоҳлантириш маъносини билдиради. У оиласининг яшаши учун зарур бўлган майдонни қўриқлаётганини маълум қилиб қичқиради. Айрим ҳашаротларда мана шундай «шахсий майдон» бўлади. Масалан, қора чигиртканинг эркаги «ўз ҳовлиси»дан ташқарига чиққанда ҳам чирилламайди. Агар унинг «ҳовлиси»га бирор зўравон кириб келса, у бир хил оҳангда чириллаб огоҳлантиради. Чақирилмаган меҳмон кетиши билан қора чигиртка яна ўзининг одатдаги чириллашини давом эттиради. Қора чигиртканинг туни билан тинмайдиган бу хонишини мутлақо мақсадсиз чириллаш деб ҳисоблашарди олдинлари олимлар. Энди маълум бўлишича, эркак қора чигиртканинг бу хониши «ўз рафиқа»сини чақиргани экан. «Рафиқа»си ёнига келиши билан хурсандлигидан бошқача, шодон куй чала бошларкан. Шундай қилиб қора чигиртка камида уч хил оҳангда чириллайди ва булар огоҳлантириш, чақириш ва мулозамат маъносини англатади.

● Дунё миқёсида ҳозирга қадар яратилган енгил автомашиналар қаторига япониялик ларнинг «Торпеда»си қўшилди. Соатига 310 километр юрадиган автомашинанинг ғилдираклари ҳам шунга яраша, яъни 8 та двигателнинг қудрати 580 от кучига эга. «Торпеда»нинг намуна нусхаси Иокоголик шаҳарчасига келтирилиб, намойиш этилмоқда. «Торпеда»га ўхшаш аппарат, яъни унинг хомаки нусхаси Токиодаги Кейо университетида ишлаб чиқилди. Унинг узунлиги 8 метр ва 8 кишини манзилга етказа олади. Қилни қирқ ёрадиган японларга қойил қолмай иложингиз йўқ. «Тойота» сингари «Торпеда» ҳам дунё миқёсида мижозларга ёқиб тушишига заррача шубҳа йўқ.

● Ўтмишшунослар (археологлар) тош асрда яшаган одамлар ғорларидан узум уруғини топдилар. Маълум бўлишича, Вавилон, Сурия ва Фаластинда токни бундан олти минг йил муқаддам парвариш қилиш билан шуғулланишган экан. Қадимги римлик олим Калумелланинг ёзишича, Ливия саҳросида қанча қум бўлса, узум, яъни токнинг ҳам шу қадар кўп нави бўлгандир.

Маҳалланг — ота-онанг

САЙЛОВЛАР — МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШГА ЎНДАЙДИ

БУГУНГИ КУНДА ЖОЙЛАРДА БЎЛИБ ЎТАЁТГАН ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИДАН БИРИ ШУНДАКИ У МАМЛАКАТИМИЗДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ШАКЛЛАНГАНДАН СЎНГ БИРИНЧИ БОР ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА ЎТКАЗИЛАЁТГАН САЙЛОВ ҲИСОБЛАНАДИ.

Айни кунларда республикамизнинг барча маҳаллий худудларида бўлаётгани каби Тошкент шаҳрида ҳам мавжуд 474 та маҳаллаларнинг барчасида ана шу масъулиятли сиёсий жараён қизғин олиб борилмоқда. Фуқароларимиз томонидан ҳар бир маҳаллада раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларидек масъулиятли вазифаларга фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, юксак билимли ва дунёқараши кенг, тажрибали, юрт тақдири, маҳалла ҳаёти ва аҳолининг турмуш даражасига бефарқ бўлмаган адолатпарвар, фидойи ҳамюртларимизнинг сайланиши маҳаллаларимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, аҳоли аҳил ва фаровон турмуш кечиришида муҳим аҳамият касб этади.

Шундай ҳисобот-сайлов йиғилишларидан бири Сергели туманидаги «Ёрқин ҳаёт» маҳалласида ҳам бўлиб ўтди. Аввало маҳалла оқсоқоли вазифасини вақтинча бажариб келган Ҳасан Умаров маҳалла ҳудудида ўтган вақт давомида бажарилган хайрли ва эзгу ишлар ҳақида ҳисобот берди. Ютуқ ва камчиликлар, ҳал бўлмаётган муаммолар хусусида ва унинг сабаблари, ечимини излаш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди. Тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботи ҳам барчада қониқиш ҳосил қилди.

Сайлов жараёнининг очиқ-ошкора ва қонун устуворлиги тамойиллари асосида ташкил этилганлиги, фуқароларнинг кенг сиёсий фаоллиги ҳамда сайловларда ўз фикрларини очиқ ифода этишлари тадбирнинг демократик тарзда ўтказилишига хизмат қилди.

Пировардида халқ ишончини қозонган Ҳасан Умаров номзоди кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланиб, у маҳалла оқсоқоли вазифасига сайланди. Оқсоқолнинг маслаҳатчилари ҳам ана шундай очиқ овоз бериш йўли билан сайлаб олинди.

Умуман, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов жараёнлари ўзига хос масъулиятли сиёсий жараёнлардан бири бўлиб, яшаб турган маҳалламиз эртанги куни, фаровонлиги учун ҳар биримизни эътиборли бўлишга, Ватанимиз келажаги ҳақидаги мажбуриятларимизни тўғри англаб олишга ундайди ҳамда жамиятимизда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ

* * *

УЧТЕПА ТУМАНИДАГИ «КЎКСАРОЙ» МАҲАЛЛАСИДА ҲАМ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛИГИГА НОМЗОДЛАР ЖЎРАБЕК ЗИЯЕВ ВА ШОНИҒМАТ ШОРУСТАМОВЛАР МАҲАЛЛАДОШЛАРИ ОЛДИДА ЎЗ ДАСТУРЛАРИНИ БАЁН ЭТИШДИ.

Фуқаролар йиғини раиси Шониғмат Шорустамовнинг ҳисоботи билан бошланган йиғилишда аҳоли сони 3147 кишидан иборат бўлган маҳаллада ёрдамга муҳтож оилаларга, ногирон ва боқувчисини йўқотганларга кўрсатилган моддий ва маънавий ёрдам, ёшлар билан одоб-ахлоқ, ота-она, Ватанни севиш ва ардоқлашга бағишланган ҳамда гиёвандликка қарши суҳбатлар ўтказилганлиги ҳақида таъкидлаб ўтилди.

Шу жумладан, маҳалла фуқаролар йиғини раиси раҳбарлиги остида умумхалқ байрамлари ўзига хос шодиёналик билан ўтказилиб, бундай хайрли тадбирлар барчани қувонтиргани ҳам тилга олинди.

Очиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайлов натижасига кўра Ш.Шорустамов келгуси муддатга маҳалла оқсоқоли этиб сайланди.

Тадбир давомида маҳалладошлар номидан сўзга чиққанлардан Сурайё Собирова маҳалладаги барча аёлларнинг иш билан таъминланишига эришиш лозимлиги масаласини ўртага ташлади. Шу билан бирга «Кўксарой» маҳалласи келажакда нафақат Учтепа туманида, балки шаҳримиздаги энг ибратли маҳаллалардан бири бўлишига умид билдирилди.

Йиғилиш сўнгида Ш.Шорустамов фаоллар билан ҳамкорликда келгусида маҳалланинг янада обод ва файзли гўшага айланиши йўлида қўлидан келганча ҳаракат қилишга ваъда берди.

Шоира ҲАЙДАРОВА

Фуқаролик жамияти сари

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ МАСКАНИ

ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ҚАРОР ТОПТИРИШ ХАЛҚИМИЗНИНГ УЛУҒВОР МАҚСАДЛАРИДАН БИРИДИР. ДАВЛАТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ—КОНСТИТУЦИЯНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИДАН ҲАМ ШУ НАРСА АЁНКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА ШАКЛЛАНТИРИЛАЁТГАН ЖАМИЯТ— ДЕМОКРАТИЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИГА ТАЯНУВЧИ ЭРКИН ИНСОНЛАР ЖАМИЯТИ БЎЛАДИ. МУКАММАЛ ИСТИҚБОЛ, БАРКАМОЛ БУГУНГИ КУН - ЎТМИШНИНГ МАНТИҚИЙ ВОРИСИДИР. БУ БОТ-БОТ ИСБОТЛАНГАН ҲАҚИҚАТ.

Мустақил Ўзбекистон ўз миллий истиқлол ва истиқболли тараққиёт йўлини айнан ана шу тамойил асосида белгилагани ушбу кўп қирали қонуният талаби ҳамда табиий эҳтиёжидир.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз бошчиликларида жамиятдаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига, жумладан ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин, босқичма-босқич ўтказиш, кучли ҳуқуқий демократик давлатдан адолатли фуқаролик жамиятига ўтиш борасида қатор ишлар қилинди.

Энг қадимий миллий қадриятларимиздан ҳисобланган, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган, ўзбек халқининг яшаш тарзини ўзида тўла-тўкис мужассам этган маҳалла жамиятдаги ўзининг муносиб ўрнига тиклаб қўйилди. Ўзбек маҳалласи халқимизга хос донишмандлик тимсоли. У тарихда ҳам ҳамиша ўз жозибаси, ҳаётийлиги, халқчиллиги, бетакрорлиги билан дунё аҳли тафаккурини ўзига жалб қилиб келган. Мозийдан тортиб ҳозиргача давлатлар ўзининг кўпгина эзгу амалларини, ҳосиятли ва баракатли тадбирларини, ҳаётий муҳим масалаларини маҳалла оқсоқоллари, фаоллари ақл-заковати, адолатли назари билан амалга ошириб, ҳал қилиб келади. Бу анъана ҳозир ҳам давом этмоқда. XXI аср халқимизнинг янги замон талаблари даражасида шаклланишида, авлодларимиз комил инсон бўлиб вояга етишида ҳам маҳалланинг самарали хизмат қилиши шубҳасиздир. Маҳаллаларда турли бунёдкорлик ишлари ўз ечимини топади, ҳашарлар, турли маданий-маънавий, тарбиявий тадбирлар ўтказилади. Айни шу маҳаллаларда амалга оширилаётган сиёсат асосида жамоатчилик фикри шаклланади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз жамиятдаги ислоҳотларни чуқурлаштиришда, демократик ўзгаришларни амалга оширишда маҳалланинг мустаҳкам таянч бўлишини назарий ҳамда амалий асослаб, «Ўзбекистонда маҳалла бўлиб, жамоа бўлиб яшашнинг неча минг йиллик тарихи бор. Биз бу анъаналарни янги мазмун билан бойитмоқдамиз. Бугунги даврда маҳалла жойлардаги ўзини ўзи бошқариш тизимининг таянчи сифатида фаолият кўрсата бошлади. Бу жамиятимиз бугунги ҳаётининг энг самарали, айни пайтда миллий ва халқчил кўринишидир», дея таъкидлайди.

Конституциямизнинг 105-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар)нинг конституциявий мақоми белгиланган. Унга кўра, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади. Шу тариқа фуқаролар йиғини илк бор ўзини ўзи бошқариш органи мақомида Конституцияда қайд этилди.

Айни кунларда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ушбу жараён Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелда қабул қилинган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида" Қонуни асосида амалга оширилмоқда. Шу ўринда мазкур Қонуннинг 15-моддасида белгилаб қўйилган "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) вазифасига номзодлар, қоида тариқасида, олий маълумотли бўлиши ва сайлов куни тегишли ҳудудда доимий яшаб турган бўлиши, шунингдек ташкилотчилик қобилиятига, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар, шунингдек суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас," деган қоидани алоҳида қайд этиб ўтиш мумкин. Мазкур меъёрдаги талаблар билан бирга бўлғуси оқсоқолларнинг маҳаллаларда аҳолининг асосий қисмини ташкил этувчи ёшлар билан ишлаш кўникмалари ва тажрибаларининг қай даражада эканлигига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим. Чунки маҳаллаларда олиб борилаётган ёшлар билан боғлиқ тарбиявий ишлардаги ижобий натижалар билан бир қаторда ҳали ечилиши лозим бўлган вазифалар ҳам етарли. Хусусан, ҳозирги кундаги энг муаммоли нарса, бу— ёшларимиз билан маҳалла фуқаролар йиғини, унинг катта-кичик мутасаддилари узвий алоқа боғлай олмаётганлигидир. Маҳаллада муҳокама қилинаётган ҳар бир масала асосан катта ёшдагилар иштирокида бўлади. Ҳатто ёшларнинг ўзига оид масалалар ҳам ана шундай иштирокчилар билан муҳокама этилади.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этишда маҳалла оқсоқоли ва унинг маслаҳатчилари ёшлар билан ишлашда қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқдир. Болалар ва ёшларнинг ҳаётда ўз ўринларини тўғри белгилаб олишлари учун уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда, уларда камтарлик, олижаноблик, кишиларга ғамхўр, меҳр-мурувватли бўлиш, меҳнатсеварлик хислатларини ривожлантиришда халқ таълими ходимларига яқиндан ёрдам бериш; тарбиянинг янги шакллари, услубларини амалга оширишда педагог ходимлар, ўқувчилар, ота-оналари, жамоатчилик вакиллари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам бериш; тарбияси оғир, қаровсиз қолган болаларнинг ота-оналари билан ишлаш, уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, ҳунар ўрганишини ташкил этиш, ҳар бир тарбияси оғир ёшларга жамоатчилик фаолларини бириктириш, вақтивақти билан уларнинг ҳисоботини тинглаш; мактаб, маҳалла аҳли ҳамкорлигида ҳашарлар, Хотира ва Қадрлаш куни, Наврўз, ҳосил байрами ва бошқа тадбирларни ўтказиш; маҳаллалардаги ҳунармандлар оилаларида устоз-шогирдлик муносабатларини йўлга қўйиш; ҳуқуқий тарбияни шакллантириш, маҳаллада яшовчи ҳуқуқ органлари ходимлари томонидан тарбияси қийин болаларни оталиққа олиш, уларга ёрдам бериш, уларнинг ота-оналарини кенгаш йиғилишларида муҳокама қилиш; ҳар бир хонадондаги ўқишдан четда қолган, ўқимай ва ишламай юрган, балоғат ёшига етган болаларни ҳисобга олиш, уларга нисбатан зарур чоралар кўриш; ибратли оилаларнинг ёшлар тарбиясида қўлга киритган ютуқларини ўрганиш, оммалаштириш, рағбатлантириш алоҳида аҳамиятли масалалардир.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил қилишини эътиборга оладиган бўлсак, маҳалла оқсоқолларининг ёшлар билан ишлашда юқорида кўрсатиб ўтилган талаблар ва замонавий услублар асосида ўз фаолиятини ташкил этиши кўп жиҳатдан юртимизнинг истиқболини белгилаб беради.

Баҳром ЭШМУРОДОВ,
Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси.
Баҳодир МИРЗАРАИМОВ,
шу институт талабаси.

ТАДБИРКОРЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ, ХУСУСИЙ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА УНИНГ ВАТАНИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ УЛУШИНИ ОШИРИШ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИШБИЛАРМОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ҲУҚУҚИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ МАҚСАДИДА 2005 ЙИЛ 5 ОКТЯБРДА ЮРТБОШИМИЗНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УНИНГ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

Шубҳасиз, бу Фармон мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланиши, ишбилармонларга эркин фаолият яратилиши йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Фармонда кўрсатилганидек, текширувларнинг сони ҳамда мудатлари қайта кўриб чиқилиб, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва эркинлаштиришда уларнинг фаолиятига давлат тузилмаларининг аралашувини янада қисқартириш, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида «Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекциясининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, ҳар ойда ҳар хил турдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар билан суҳбатлар ҳамда семинарлар ўтказиш йўлга қўйилди.

Фармондаги жуда муҳим бўлган бандлардан бири—микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг фаолияти ҳар 4 йилда кўпи билан 1 марта, бошқа тадбиркорлик субъектларининг фаолияти ҳар 3 йилда 1 марта режа асосида текширилиши ҳақида тўлиқроқ маълумотлар берилмоқда.

Дилшод ЛУТФУЛЛАЕВ,
«Ўздавэнергоназорат» Давлат инспекцияси
Тошкент шаҳар бўлими инспектори

Бандлик

КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДАГИ СЎЛИМ ГЎШАЛАРДАН БИРИ — «ЯНГИ СЕРГЕЛИ» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА СЕРГЕЛИ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ ҲАМДА ТУМАН МЕҲНАТ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА «БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ ВА ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАР» МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ.





МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ САМАРАЛИ ЎТДИ

Тадбирнинг самарадорлигини ошириш мақсадида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши каби кўплаб ташкилотлар меҳнат бўлимига беғараз ёрдам кўрсатдилар.

— Ушбу меҳнат ярмаркамизга туманимиздаги мавжуд 33 та маҳалладан иш билан банд бўлмаган аҳоли таклиф этилди, — дейди Сергели туман меҳнат бўлими раҳбари Холида Низомова. — Шунингдек, тумандаги 6 та коллеж, 12 та ўрта мактабларнинг битирувчиларининг ҳам иштироки таъминланди. — Меҳнат бўлимимизнинг режасига асосан ўтказилаётган ярмаркада ёшларга фаолиятимиз доираси ҳақида, бўш иш ўринлари, умуман вазифа ва имкониятларимиз ҳақида батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қилдик.

Шу куни тадбирда 20 та йирик корхоналар бўш иш ўринлари билан қатнашди, умумий ҳисобда эса тумандаги 56 та корхона ва ташкилотларда 870 та бўш иш ўринлари мавжуд бўлиб, улардан 574 таси ишчиларга, 296 таси эса олий маълумотли хизматчиларга мўлжалланган. Ярмаркада иштирок этган 160 нафар фуқаролардан иш сўраб мурожаат этган 73 нафарига ишга йўлланмалар берилди. Масалан, «NOVATOR» масъулияти чекланган жамияти, 12 ва 14-автобус саройи очиқ акциядорлик жамиятлари, туманда янги ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари, халқ таълими, ҳудудий тиббиёт, ободонлаштириш бўлимларига йўлланма сўровчилар кўпчиликни ташкил этди.

Бундан ташқари, меҳнат бўлими жамоасининг саъй-ҳаракатлари туфайли Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига ўқишга йўлланма сўраб мурожаат этган 27 нафар фуқароларга малакали маслаҳатлар берилди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: Сергели туман меҳнат бўлими жамоаси ҳамкорлар кўмагида уюшқоқлик билан ўтказган меҳнат ярмаркасидан лавҳалар



Қарор ва ижро

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ЯНАДА ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ХИЗМАТЛАР БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА БЕРАЁТГАН АЛОҲИДА ЭЪТИБОРИ МАМЛАКАТИМИЗДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СИФАТИ ВА САВИЯСИНИНГ ТОБОРА ЮКСАЛИШИ ҲАМДА КЎЛАМИНИНГ КЕНГАЙИШИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

Хизмат кўрсатиш ва сервисни жадал ривожлантириш учун қулай шароит яратиш, уларда банд бўлганлар сонини ва шу асосда аҳоли даромадини юксалтириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор асосида соҳа вакилларига қатор қулайликлар берилди. Жумладан, 2006 йил 1 апрелдан бошлаб хизмат кўрсатувчи айрим юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлашдан озод этилди.

Молия ва банк, маиший хизмат ва бошқаларнинг солиқдан озод этилгани уларнинг бўшаган маблағлар ҳисобига ўз фаолиятини кенгайтириши учун янада кенг йўл очади. Лизинг, суғурта, аудиторлик хизматлари ҳали ривожланиш босқичида. Мураккаб маиший техника воситаларини таъмирлаш, табиий теридан маҳсулот ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ишлари ҳам аҳоли талаби даражасида эмас. Мазкур соҳаларга, шунингдек, таълим ва компьютер саводхонлиги, болалар спортига оид хизматларга алоҳида эътибор қаратилгани юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди.

Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармаси мазкур ҳужжатнинг мазмун- моҳиятини хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар ҳамда солиқ идоралари ходимларига тушунтириш мақсадида тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Сергели ва Мирзо Улуғбек туманларида ўтказилган ана шундай анжуманларда кўплаб тадбиркорлар иштирок этди.

— Президентимиз Ислом Каримовнинг бу қарори бизни янги ишлар сари илҳомлантирди, — дейди Сергели туманидаги «Inglish friends» ўқув маркази раҳбари Игорь Ким. — Марказимиз илгари йилига 2,5 миллион сўмга яқин солиқ ва бошқа тўловлар тўлар эди. Бизнинг марказимиз сингари хизмат кўрсатиш корхоналарининг ушбу қарор асосида муайян солиқлардан озод қилингани имкониятимизни янада кенгайтириши шубҳасиз. Бу эса хорижий тилларни мукаммал эгаллашни хоҳлаган ёшларнинг ўқув марказимизга қизиқишини янада оширади.

Инглиз тилини мукаммал ўргатишга ихтисослашган мазкур марказ аввал асосан катта ёшлилар билан иш олиб борган бўлса, энди беш ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун ҳам икки ойлик ўқув курслари очди.

— Президентимизнинг сервис соҳасини ривожлантиришга эътиборни янада кучайтиришга қаратилган мазкур қарори бизни ҳам жуда қувонтирди, — дейди Мирзо Улуғбек туманидаги «Лайнсервис» фирмаси директори ўринбосари Асия Абдурахмонова. — Биз замонавий технологиялар — компьютер, принтер, факс каби воситаларни таъмирлаш билан шуғулланамиз. Бундай фаолият билан шуғулланувчилар юртимизда нисбатан камчиликни ташкил этади. Боиси, бу анча нозик ва мураккаб иш. Мутахассислар ҳам ҳали кўп эмас. Фаолиятни тўлақонли олиб бориш катта маблағ сарфлашни талаб қилади. Фирмамизнинг жорий йил биринчи чорагидаги молиявий аҳволи таҳлилига назар ташласак, беш миллион сўмдан зиёд даромадимизнинг уч миллион сўмдан ортиғи ана шундай мақсадга сарфланганига гувоҳ бўлиш мумкин. Солиқ ва мажбурий тўловлар ҳамда бошқа харажатлардан кейинги соф фойда бор-йўғи 200 минг сўмни ташкил этди. Давлатимиз раҳбарининг қарорига биноан бизнинг фирмамиз кабилар солиқдан озод этилгани ишимизни ривожлантиришда муҳим омил бўлиши шубҳасиз.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

ЛИЗИНГ ТАРАҚҚИЙ ЭТМОҚДА

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ХЎЖАЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ БОЗОР ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТУРЛИ ХИЗМАТЛАР, ЖУМЛАДАН, ЛИЗИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ЭВАЗИГА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТАЛАБ ЭТАДИ. ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 17 АПРЕЛДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ УШБУ ФАОЛИЯТНИ КЕНГАЙТИРИШГА ЯНГИ ТУРТКИ БЕРДИ.

«Ўзбек Лизинг Интернешнл» акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги етакчи лизинг компанияларидан бири ҳисобланади ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун замонавий ускуналар сотиб олишни молиялаштириш билан шуғулланади. Бундан ташқари, лойиҳаларнинг ҳаётга жорий этилиши ва самарадорлиги таҳлили, технологияларни танлаш бўйича маслаҳат бериш, уларни етказиб бериш, монтаж қилиш учун шартномалар тузиш, мутахассисларни ўқитиш ҳамда ускуналарни суғурталаш каби хизматлар кўрсатади.

— Технологик ускуналарни сотиб олиш лойиҳаларини молиялаш республикамиз корхоналарида ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ, — дейди компания бош ижрочи директори ўринбосари Ботир Юсупов. — Масалан, ўтган йили Тошкентдаги «Ma`rifat print» масъулияти чекланган жамиятига лизинг шартлари асосида маҳаллий хомашёдан пластик идишлар ишлаб чиқарадиган замонавий автомат етказиб берилди. Шунингдек, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятида газ қуйиш станциялари учун мамлакатимизда ишлаб чиқарилган суюлтирилган газни транспортировка қилиш ҳамда сотишга мўлжалланган ускуналар харид қилиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Халқаро молия корпорацияси, Малайзия банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кредитларини жалб қилиш туфайли компания қиймати бир миллиард сўмдан ортиқ маблағга тенг 27 та лойиҳани амалга оширди. Ушбу лойиҳалар иқтисодиётнинг оғир ва енгил саноат, қурилиш, тиббий хизматлар, транспорт, матбаа каби соҳаларида жорий этилди.

Бу йил «Ўзбек Лизинг Интернешнл» акциядорлик жамияти Тошкентдаги «Атиргул» хусусий корхонаси учун технология харид қилишни молиялади, Андижондаги «Инвесттекс» қўшма корхонасига эса тикувчилик ва трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ускуналар сотиб олди. Жорий йил охиригача компания ўттиздан ортиқ шундай лойиҳани амалга ошириш ва пойтахт ҳамда бошқа ҳудудларда ўз фаолиятини кенгайтиришни режалаштирмоқда.

М.МАМЕТОВА
ЎзА





Таълим

БУНДА ЁШЛАР ТОПАДИ КАМОЛ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ЧИЛОНЗОР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙИ ШАҲРИМИЗ ЁШЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ МАЪРИФАТ ДАРГОҲЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ. КЕЛАЖАГИМИЗ ВОРИСЛАРИ БЎЛГАН ИЛМ ТОЛИБЛАРИГА АНИҚ ВА ИЖТИМОИЙ -ГУМАНИТАР ФАНЛАР БЎЙИЧА ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН БИЛИМ БЕРИШГА ИХТИСОСЛАШГАН ЛИЦЕЙДА ЯКУНИГА ЕТИБ БОРАЁТГАН ЎҚУВ ЙИЛИ «ТАЪЛИМНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ —ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИНГ ПОТЕНЦИАЛ КУЧЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ» МАВЗУСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Ҳозирги кунда ушбу муассаса 6 та йўналиш бўйича фаолият юритиб келмоқда. Уларда 73 нафар ўқитувчилар фаннинг турли йўналишлари бўйича ёшларга сабоқ беришади. Бундан ташқари лицейнинг педагогик жамоаси Тошкент Давлат техника университети кафедраларй, Ўзбекистон Фанлар академиясининг бир қатор илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган.

Яқинда ушбу лицейда битирувчи ёшларни кузатишга бағишланган кеча бўлиб ўтди. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, эндиликда 69 нафар иқтидорли ўқувчи ўз истеъдод ва имкониятларини намойиш этган ҳолда Республикамизнинг турли коллеж ҳамда олий ўқув юртларида таҳсил олишлари мумкин. Тадбирнинг очилишида сўз олган Тошкент Давлат техника университети проректори Муродилла Муҳамедов, лицей директори Маҳфуза Муродбековалар битирувчи ёшларга ўзларининг самимий тилакларини изҳор этар эканлар, катта- катта илм даргоҳларининг эшиклари улар учун доимо очиқ эканлигига алоҳида урғу беришди.

Шундан сўнг ҳар бир битирувчи гуруҳ ўзлари тайёрлаган мусиқий ва театрлаштирилган композицияларини намойиш этишди. Бундан ташқари якунига етиб бораётган ўқув йили давомида лицейда ўтказилган кўрик-танлов ғолиблари, «Энг яхши йил ўқитувчиси», «Йилнинг энг номдор гуруҳи» номинацияларида ютуқларни қўлга киритган ўқувчи ва педагоглар лицей маъмурияти томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Маълумот ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур илм даргоҳи Эрон, Қирғизистон, Озарбойжон, Миср, Индонезия, Ҳиндистон, Германия сингари хорижий давлатларнинг элчихоналари, халқаро жамғармалар билан ҳам ҳамкорлик олиб борада. Шу билан бир қаторда лицей маъмурияти 1999 йилдан бошлаб ЮНЕСКО таркибидаги бирлашган мактаблар лойиҳаси аъзоси ҳисобланади.

—Яқиндан бошлаб эса, ўқув масканимизда «Янги технологиялар билан ишлаш маркази» ташкил этилди,—дейди лицей директори Маҳфуза Муродбекова биз билан суҳбатда. — Мазкур марказ Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги замонавий педагогик технологиялар билан ишлаш маркази билан ўзаро ҳамкорликда фаолият юритади. Кези келганда шуни таъкидлаш мумкинки, яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар қатори Германиянинг Маннхайм шаҳрида хорижий ҳамкасбларимизнинг педагогика соҳасидаги ютуқлари, таълим-тарбия борасидаги илғор тажрибалари билан яқиндан танишиб қайтдик. Кузатишларимиз ва ўрганишларимиз натижасида шу нарса аён бўлдики, биздаги мавжуд таълим андозалари бошқа давлатларга нисбатан устун бўлса борки, асло кам эмас. Аксинча кўп жиҳатдан бизнинг ўқувчиларимиздаги интеллектуал салоҳият, мулоҳаза юритиш бобидаги ўзига хосликдан фахрлансак арзийди. Албатта, келажакда бу борадаги ютуқларни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бугун илм даргоҳимизни тарк этаётган ёшларимизнинг эса ҳеч қайси давлатдагидан кам бўлмаган билим манбаларидан баҳраманд бўлган ҳолда мамлакатимиз истиқлоли ва истиқболига хизмат қиладиган лаёқатли мутахассислар бўлиб етишишига тилакдошман.

Хидирали ПАНЖИЕВ

СУРАТЛАРДА: лицейда бўлиб ўтган битирув кечасидан лавҳалар

Иқтисодиёт

БУНЁДКОРЛАР УЧУН

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИ ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ИШ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ, БУЮРТМАЧИЛАРИ САФИНИ ОРТТИРИШГА ЭРИШМОҚДАЛАР.

«8-темир-бетон буюмлари заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг тажрибали, касбининг ҳақиқий усталари бўлган ишчи-хизматчилари бунёдкор халқимизнинг қурилиш майдонларига — нафақат пойтахтдаги, балки республикамиздаги буюртмачиларга сифатли, узоқ йиллар мобайнида хизмат қилувчи маҳсулотларини етказиб бермоқдалар.

Мазкур жамият цехлари ишлаб чиқариш қуввати йилига 22-24 минг кубометр темир-бетон ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий дастгоҳ, ускуна ҳамда технологик линиялар билан тўла жиҳозланган. Улар шарофати ҳамда жамоа аҳлининг баракали меҳнати туфайли ўтган йилнинг ўзида корхона 23 миллион 274 минг сўм соф фойда олишга муваффақ бўлди. Йил давомида буюртмага асосан 1,5 миллиард сўмликка яқин сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилганлиги эътиборга сазовор.

Олинган фойда корхонанинг тадбиркор раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли аввалambор ишлаб чиқаришни модернизациялаштиришга, ишчи-хизматчиларнинг иш шароитларини яхшилашга, унумли ҳордиқ чиқаришларига қатъий режа асосида сарфланмоқда. Ўз навбатида эса иш кўзини яхши англаган жамоанинг ишлаб чиқариш жараёни янада баракали бўлиб, келгуси муваффақиятларига пухта замин яратмоқда.

МИЖОЗЛАР МАМНУН

ЮРТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖИДА КИЧИК ФИРМАЛАР ҲАМДА ХУСУСИЙ БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУНОСИБ ҲИССАЛАРИ БОР. УЛАРГА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ФАОЛИЯТ ЮРИТИШЛАРИДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА.

«Махсус иш кийим» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда сафларида 40 нафар қўли гул чевар қизжувонларни бирлаштирган бўлиб, сифатли, бежирим маҳсулотлари билан аллақачон ички бозоримизда ўз ўрнига эга бўлган корхоналар қаторидан муҳим жой олган.

Қувонарлиси, жамоа аҳлини асосан ғайратли ёшлар ташкил этади. Касбига алоҳида меҳр-муҳаббатли чеварлар доимо изланишда бўлиб, эринмай тажрибаларини ошириб борадилар. Шу боис ҳам моҳир бичиқчи, замонавий дизайнчи ҳамда чеварлар катта буюртмаларни ҳам белгиланган муддатларда, кўнгилдагидай бажаришга одатланишган. Жамият цехларида Россия, Жанубий Корея ҳамда Германия давлатларининг юксак самарали тикув дастгоҳлари қувватидан унумли фойдаланилмоқда. Улар тикаётган иш кийимлари асосан иқлим шароитимизга жуда мос бўлган пахта ҳам сифатли трикотаж матолардан иборат бўлиб, мижозларни мамнун қилмоқда.

МИЛЛИЙ МУСИҚА АСБОБЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ШАРОФАТИ БИЛАН ҲУНАРМАНДЛАРГА ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН ЯРАТИЛГАН ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАР, ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТЛАР ЎЗ САМАРАСИНИ БЕРМОҚДА. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, КЎПЛАБ ЁШЛАР ҲУНАРМАНДЛАР САФИНИ КЕНГАЙТИРИБ БОРМОҚДА.

«Чорсу» бозоридаги ҳунармандлар устахонаси-дўконлари орасида Маҳмуджон Ошимовнинг ўзбек миллий мусиқа асбоблари дўкони алоҳида ажралиб туради. Боиси, уста ҳунарманд еттинчи сулоланинг вакили бўлиб, унинг авлоди тўрт юз йилдан ортиқ вақтдан буён сифатли дутор, рубоб, карнай, сурнай, най, уд, доира каби асбобларни қойилмақом қилиб ясамоқда. Моҳир уста ўғиллари—Маҳмуд ва Дилмуродлар кўмагида ота-боболарининг бардавом анъаналарини муваффақиятли давом эттирмоқда.

Мазкур маҳсулотлар учун улар асосан мевали—тут, ёнғоқ, ўрик дарахтларидан фойдаланишади. Эътиборли томони, уста ҳунармандлар нафақат янги, гўзал, чиройли безак берилган мусиқа асбоблари яратишади, улар нисбатан ҳолга келган асбобларни қисқа вақтда таъмирлаб, созлаб ҳам беришади.

Муқаддас АБДУРАСУЛОВА

Тиббиёт

ПЕДАГОГИК МАҲОРАТГА КЕНГ ЙЎЛ

БУГУНГИ КУНДА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИДАН ПУХТА БИЛИМ, ЮҚОРИ УСЛУБИЙ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТ ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА. ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИНИНГ ТУЗИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲАМ БУ ЕРДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ПЕДАГОГИК ЖАМОАГА НИСБАТАН ТАЛАБ ЯНАДА ОРТДИ.

Буни инобатга олиб,академияда ички аттестация ўтказилди. Ана шу жараёнда профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти ва билим мезонлари аниқланди, қатор муҳим тадбирлар белгиланди.

Қуйидаги таклифлар ҳам ўртага ташланди. Ўқув-услубий жараённи талаб даражасига етказишда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқитувчиларнинг компьютер ва чет тиллари бўйича саводхонлигини таъминлаш муҳим деб топилди. Академия ҳудудида талабалар ва педагоглар фойдаланиши учун интернет алоқасининг ички тармоқларини такомиллаштириш лозим. Кафедра ходимларининг ахборот технология маркази билан ишлашини кенг йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

АКАДЕМИЯНИНГ ЯНГИ ФАКУЛЬТЕТИ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИДА ЯНГИ ТАШКИЛ ТОПГАН «ОЛИЙ МАЪЛУМОТЛИ ҲАМШИРАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ» ФАКУЛЬТЕТИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ КЕНГАЙТИРИБ ЮБОРДИ. БУ ЕРДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲАМШИРАЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ ИХТИСОСЛАШТИРИШ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА.

Олий маълумотли ҳамшира — менежер, олий маълумотли ҳамшира — доя, жарроҳлик ихтисослиги олий маълумотли ҳамшираси каби йўналишларда малакали ёш шифокорларни тайёрлаш мақсадида янги факультет таълимнинг энг замонавий технологияларидан фойдаланмоқда. Айни вақтда анестезиология-реаниматология ихтисослиги ҳамда педагогика ихтисослиги бўйича ҳам олий маълумотли ҳамширалар етишиб чиқадилар.

Битирувчи талабалардан бир нечтаси «ИКП ва ҳамширалик иши терапияси» кафедрасида аспирант бўлиб фаолият кўрсатади.

Аҳмад АББОСОВ

Ўз-ўзи ўргатиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТ. Очқўз кишини тарбия қилмоқ ўз обрўйини тўкмоқдур. Ундай киши ўзгаларга яхшилик қилса, очқўз ёмонлик қилмай қолмайди. Байт:

Нокасларни қилма тарбият,
Яхшиликка ёмонлик қилар.
Чаёнларни парвариш қилсанг,
Ниши билан вужудинг тилар.

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Киши ўз ҳақидан бировга бериши қийин, аммо бермаслик очқўзликдир.

Олчоқ одамда номус бўлмайди.
Жавоҳир бўлса-да эшакнинг юки,
Бари бир эшакдир, ялтираб туки!

«ОТАЛАР сўзи»

ҲИКМАТ. Киши сахий дўстидан сақланганидан кўра хасис дўстдан асрангани яхшидир. Байт:

Ҳар кимсада бўлса қабиҳ бир одат,
Бу одатни қилар бир куни такрор.
Чаённи кўр тошга уради нишин,
Ваҳоланки тошга ўтмайди зинҳор!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Хасислик кишининг қадрини йўқотади, фалокатларга дучор этади.

«ОТАЛАР сўзи»

Киши қанчалик бадавлат бўлмасин, у хасис ва бахил бўлса, эл ичида обрўсиз ва қадрсиз бўлади.

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ҳирс ва таъма—дунёга бўлган муҳаббат ва нафсониятнинг маҳсули ҳамда эгрилик ва хиёнатнинг мулозими. Фард:

Тўғри бўлиб, эл кўнглига ёқа
олсанг агарда,
Эгри бўлиб назарлардан қолиб
кетмоқ не учун?!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Эй ўғил, билгилки таъма ярамас нарсадир. У кишиларга хорлик ва расволик келтиради. Шунинг учун ҳам: «Хорлик таъмадан келади» деганлар. Бундай ёмон сифатдан қочмоқ сарафрозлик кўчасига кирмоқдир.

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

ҲИКМАТ. Дунёнинг барча ёмонлиги қулфланган бир уйга яширинган. Унинг калити бойликка бўлган ҳирсдир. Байт:

Бойлик учун тузоқ қўйган ҳар кимса.
Ғамдан бошқа нарса кўрмади ҳаргиз!

Муниддин ЖУВАЙНИЙ

Ҳирсли вақтингда ҳукм чиқарма.
Тинч яшай десанг, кўлингда
борига қаноат қил.

«ОТАЛАР сўзи»

Парҳезгарлик бўстонининг гуллари ҳидидан фаросат бурни билан ҳидлай оладиган ҳар бир киши туғён ва ёмонлик манзилларининг энг аввали бўлган ҳирс ва таъманинг тиконзор даласига азм этишини асло ихтиёр қилмасин! Ўз уйининг маъмур ва молининг сероб бўлиши учун иблис фирибига учиб, бировларнинг маишат қасрини хароб этишга уринмасин!

Бархурдор ибн МАҲМУД

Қаноатсизликдан келадиган офатлар беҳисобдир. Шулардан бири хасисликдир. Ҳасад эса давоси йўқ дард. Кимки ҳасад қилиб, бу дардга илиниб қолса, ўлмасдан қутулмайди.

Хаёлиддин ал-ҲАСАНИЙ

Тўртта нарса борки, эй авлоди пок,
Барча элни айлагай қалбини чок.
Тўрттадан аввалгиси бўлган ҳасад,
Ундан ўтсанг худбинлик то абад,
Жаҳлини ичига ютолмаслик бири,
Эй ўғил, келма яқин бу тўрттага,
Олмасин сени бу феъллар ўртага.
Кийнадан кечгилу зардек пок бўл,
Хокка айламай элингга хок бўл!

Фаридиддин АТТОР

Эй азиз фарзанд! Бахиллик ва ҳасад иллатига дилингда асло жой бермагинки, ҳасад давлатинг уйини вайрон қилса, бахиллик иззат чаманини пайҳон қилади:

Кимки ҳасад ўтин ёқса жаҳонда,
Бу ўт унинг ўзин қўймас омонда!

Хожа Самандар ТЕРМИЗИЙ

Эй фарзанд, билгилки, мунофиқ ва ҳасадгўй кишилар таъсири яхши одамларни йўлдан чиқаради. Доно ва олимлар суҳбати эса кишига боқий умр бахш этади. Беҳуда сўзлар айтилаётган мажлисга тушиб қолсанг, бундай мажлисдан қоч!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Дунёда ҳасад ва гинадан оғирроқ ранж йўқ. Чунки ҳасадчи одам одамларнинг шодлигидан пайваста ғам остида юради. Ўзгалар роҳатидан доимо заҳмат тортади.

Муҳаммад ҲУСАЙНИЙ

Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушҳоллигидан доимо ғам чекади ва алам тортади! Ҳа дунёда ҳасад ва бахилликдан кўра ёмонроқ дарду алам йўқ! Шундай экан, бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч! Назм:

Даромад қабул қилмас иллатдир ҳасад,
Ҳасадчининг доим ғамидир беҳад!

Муҳаммад ЖАБАЛРУДИЙ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ, Ҳамиджон ҲОМИДИЙ
тайёрлашган

ООО «Габус қурилиш-5» масъулияти чекланган жамият барча турдаги қурилиш-монтаж, бунёдкорлик ишларини бажаради.
Иш сифати кафолатланади.
Мурожаат учун телефон: 331-73-35

СЕРГЕЛИ ДАҲАСИДАГИ «ЯНГИ СЕРГЕЛИ» МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАДБИРИ ЖУДА МАРОҚЛИ ВА ҚИЗИҚАРЛИ ЎТИБ, ИШТИРОКЧИЛАРГА БИР ОЛАМ ТААССУРОТ, ХУШ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТДИ. ТУМАН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ, ТУМАН МАДАНИЯТ ВА СПОРТ БЎЛИМИ, «КАМОЛОТ» ЁИҲ, ТУМАН БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ МАРКАЗИ ЭСА ТАДБИРНИНГ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ БЎЛИШДИ.





Туманларда

БОЛАЖОНЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Шу кун болажонлар шўх рақсларга тушишди, қувноқ қўшиқларни куйлашди, асфальтга расмлар чизиб, санъат соҳасидаги ўз қобилиятларини намойиш этишди. Айниқса, уларнинг ёшларига мўлжаллаб уюштирилган қувноқ спорт мусобақалари жуда қизиқарли ўтди. Туман мактабларининг ўқувчилари 1000 метрлик кросс, 60 метрга югуриш, 4 киши 60 метрлик масофага эстафета югуриши, арқон тортиш бўйича ўзаро беллашиб, энг эпчил ва чаққонларни аниқлашди. Шундай қилиб, барча спорт мусобақаларининг сарҳисобидан сўнг 284-мактаб ўқувчилари биринчи, 7 ва 285-мактаблар қуйи синф болалари фахрий иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Шахмат баҳсларида эса 6-мактаб ўқувчиси С.Зайнитдиновга тенг келадиганлар топилмади.

Спорт мусобақаларида қатнашишдан ташқари мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактабларнинг қуйи синфлари ўқувчилари асфальтга тинчлик ва дўстлик мавзуларида рангли расмлар чиздилар, зардўзлик, фанерларга туширилган Шарқ миниатюралари ва табиатни асраш мавзуларидаги суратларини намойиш этдилар. «Олимп» спорт клуби у-шу бўйича, шунингдек каратэ ва таэквандо Шарқ яккакурашлари бўйича кўргазмали чиқишлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Мусобақа ва танловларнинг барча ғолиб ва совриндорларига дипломлар, эсдалик совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар



Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятидан

ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 февралдаги «Аҳоли ва ҳудудларни сел тошқини ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, Тошкент шаҳар ҳокимининг «2006 йилнинг баҳор-ёзги мавсумида Тошкент шаҳри бўйича сув тошқини хавфининг олдини олишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи Чирчиқ дарёси, 105 та канал ва ариқларни ўз тасарруфига олган Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармаси, «Бўзсув» ирригация тизими бошқармаси, Чирчиқ-Оҳангарон ҳавза бошқармаси қошидаги гидрогеология-мелиоратив экспедицияси, Ободонлаштириш бош бошқармасининг «Ихтисослаштирилган суғориш шохобчалари, кўкаламзорлаштириш, парвариш қилиш ва таъмирлаш» Марказий бошқармаси томонидан канал ва ариқлар қирғоқларини мустаҳкамлаш, кўприклар туби ва қирғоқларини ахлат-чиқиндилардан тозалаш, фавқулодда вазиятлар содир бўлишининг олдини олиш бўйича режа асосида ишлар амалга оширилмоқда.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 427-сонли қарорида мамлакат аҳолиси ва ҳудудини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари иштирокида давлат таълим стандартлари ва умумтаълим дастурларини ишлаб чиқишда уларга фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимуми киритилиши назарда тутилган. Шу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан мунтазам ишлар амалга оширилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар ФВБ ўқув хонасида Юнусобод туманидаги мактаблар директорлари, «Маънавият ва маърифат» ишлари бўйича директор ўринбосарлари учун ўқув машғулоти ўтказилди. Бошқарма бошлиғи, социология фанлари номзоди, полковник Эргаш Икромов, бошқарма Радиацион-кимёвий биологик (бактериологик) муҳофаза бўлими бошлиғи капитан Раҳмутдин Нуралиев бошчилигида ташкил этилган ушбу ўқув машғулотида иштирокчиларга фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидалари ва асосий усуллари, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари каби қатор ҳолатлар бўйича билим ва кўникма берилди.

Шунингдек, Юнусобод туманидаги 97-сонли ўрта мактабда Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан Фуқаро муҳофазаси ўқув хоналарини ташкил этиш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, содир бўлса оқибатларини бартараф этиш юзасидан амалий семинар ўтказилди. Унда Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлардан бошқармасининг ҳарбий хизматчилари, «Қутқарув хизмати»нинг қутқарувчилари томонидан қидирув-қутқарув, сувда қутқарув асбоб-анжомлари, кимёвий ҳимоя асбоб-анжомлари ва техника воситаларининг кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу тадбирда республика вилоятларидаги ўрта мактабларнинг директорлари, пойтахт туманлари ўрта мактаблари директорлари, жами 120 нафар тингловчилар иштирок этдилар.

* * *

Худди шундай кўргазма ва улардан фойдаланиш усуллари Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан Яккасарой туманидаги 347-макаб ўқувчилари учун ҳам ташкил этилди.

Тадбир қатнашчилари хавфсизлик чораларига риоя этишлари, ишлаб чиқариш ҳамда технология интизоми, экологик хавфсизлик режалари фавқулодда вазиятлар рўй беришига олиб келиши мумкин бўлган тарзда тузилишига йўл қўймасликлари, муҳофазаланишнинг асосий усулларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш йўлларини, зарурат бўлганда авария-қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган бошқа ишларни ўтказишда ёрдамлашишлари шартлигини тушуниб олдилар.

Хусниёхон ТОЖИБОЕВА,
бошқарма матбуот гуруҳи етакчи мутахасссиси

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-КОММУНАЛ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2006-2007 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликларга ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

КУНДУЗГИ БЎЛИМ: (9-синф базасида)

Сув таъминоти ва канализация тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш. «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

Газ таъминоти тизимлари жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш. «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

Қурилиш дурадгорлиги ва паркет ишлари. Қурилиш дурадгори, пол ва паркет ишлари устаси.

Турар жой ва жамоат биноларини давлат рўйхатидан ўтказиш, фойдаланиш. Кўчмас мулкни давлат рўйхатидан ўтказиш ва баҳолаш инспектори. Турар жой ва жамоат биноларидан фойдаланиш бўйича техник.

Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш. «ВС» тоифали автомобиль ҳайдовчиси.

Молия. Бюджет ташкилотлари ва корхоналари молиячиси.

Бухгалтерия ҳисоби. Бюджет ташкилотлари ва корхоналари бухгалтери.

Компьютер графикаси. Компьютер графикаси бўйича дизайнер, ЭҲМ оператори.

Техник-архитектор

ИШЛАБ ЧИҚАРИШДАН АЖРАЛМАГАН ҲОЛДА: (11-синф базасида)

Газ таъминоти ускуналаридан фойдаланиш.

Сув таъминоти, оқава сувлар тармоқлари ускуналарини йиғиш ва улардан фойдаланиш.

Қурилиш ишлари.

Бухгалтерия ҳисоби. Бюджет ташкилотлари ва корхоналари бухгалтери.

Бошқарув иқтисодиёти.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Коллеж директори номига ариза.
2. Маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси.
3. 0-86/У кўринишидаги тиббиёт маълумотномаси.
4. 3х4 ўлчамдаги 6 дона фотосурат.
5. Турар жойидан маълумотнома.
6. Туғилганлик гувоҳномаси ёки паспорт нусхаси.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, М.Уйғур кўчаси, 185-уй. Тел: 397-79-32, 397-61-97. 20, 53, 35, 16, 87-автобусларнинг «Октепа» бекати.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ «КАМОЛОТ» ЁИҲ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН СПОРТНИНГ УЗОҚ ВА ҚИСҚА МАСОФАГА ЮГУРИШ, СТОЛ ТЕННИСИ, ТУРНИККА ТОРТИЛИШ ВА МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА «КАМОЛОТ ЭКСПРЕСС» СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ ЎТКАЗИЛДИ.

Мусобақалар

«КАМОЛОТ ЭКСПРЕСС» СПОРТ ЭСТАФЕТАСИ

«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтказилган мазкур мусобақада университетнинг барча факультетлари талабалари фаол иштирок этишди.

Мусобақанинг биринчи куни югуриш, стол тенниси ҳамда турникка тортилиш баҳслари бўлиб ўтди. Қизиқарли беллашувларда: қисқа масофага югуришда инглиз филологияси факультети талабаси Д.Назархонов ғолибликни қўлга киритган бўлса, узоқ масофада немис филологияси факультетидан Умирзоқ Жамиловга тенг келадигани топилмади. Турникка тортилиш бўйича таржимонлик факультети талабаси Р.Расулов ғолиб чиққан бўлса, стол тенниси баҳсларида француз филологияси факультетидан Қиличбек Ҳамроев тенгдошларидан устун келди.

Мусобақанинг иккинчи кунида миллий кураш баҳслари бўлиб ўтди. Таъкидлаш жоизки, бу кунги беллашувлар кутилганидан қизиқарли ва шиддатли тарзда давом этди. Зеро миллий спортимиз доим мухлислар эътиборида. Шу куни гиламга чиққан қатнашчилар фақат ғалаба учун курашишларини кўрсатишди. Натижаларга кўра 80 килограммгача вазнда француз филологияси факультети талабаси Қиличбек Ҳамроев ғолиб бўлди. 65 дан 70 килограммгача вазнда эса Моҳир Мўминхўжаев тенгсизлигини исботлади.

Ғолибларга «Камолот» ЁИҲ университет бошланғич ташкилоти томонидан қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Алишер РАВШАНОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети «Камолот» ЁИҲ бошланғич ташкилоти Матбуот маркази мухбири

Мунажжим башорати

МУРОСАСОЗЛИК ЁРДАМ БЕРАДИ

6 ИЮНЬ, СЕШАНБА

ОЙ ТАҚВИМИНИНГ БУГУН ЭНГ ФАОЛ КУНЛАРИДАН БИРИ – МУНАЖЖИМЛАРИМИЗ 6 ИЮННИ ШУНДАЙ ТАВСИФЛАШГАН. УСТУВОРЛИКЛАРГА, ҲАЁТ ҚАДРИЯТЛАРИГА БЕРИЛИБ КЕТИБ, УЛАРГА ЎРАЛАШИБ ҚОЛМАСЛИК КУННИНГ АСОСИЙ МУАММОСИ ҲИСОБЛАНАДИ.

Ҳамиша ихтиёрингизда танлаш имконияти бўлади, Лекин бугун у ишончсизлик, умидсизлик, унутилмаган хафагарчиликлар туфайли мушкуллашиши мумкин. Соғлом фикр, манфаатлар ва моддий мустақиллик – келгусида амалга оширадиган ишларингиз, ҳаракатларингиз ва гапирадиган гапларингиз бўйича сизга энг яқин кўмакчилар бўлишади.

Шу кунги тушлар башоратли ҳисобланади, улар илоҳий хабар бўлиши мумкин. Тушда отлар ёки тақаларни кўриш зўр яхшиликка далолат.

Юракни ҳар қандай зўриқтириш ҳамда юрак операцияси ман этилади.

Ёркин, дилларни қувонтирадиган, байрамона ранглардаги кийимларни кийиш тавсия этилади. Қорамтир ранглардан, кулранг, кўк ва тимқора тусли либослардан узоқроқ бўлинг.



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-806

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 3162 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6